ЗАВРАҚЛИК ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ҚИСМАТИ

Р.ШАМСУТДИНОВ, Ж. РАСУЛОВ

В статье на основе архивных материалов освещена трагическая судьба жителей села Заврак Андижанского тумана, приговоренных к расстрелу по сфабрикованному делу.

The article includes the information on sentenced to be shot for framed up charges in the village of Zavrak in Andijan district.

Буюк истиқлолимиз туфайли Ўзбекистон тарихининг аянчли, ҳасратли, фожеали саҳифаларини чуқур ва атрофлича ўрганиш, бор ҳақиқатни акс эттириш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил майда қабул қилган "Қатағон қурбонлариларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги фармони мазкур мавзуни тадқиқ этиш учун катта имкониятлар уфқини очиб берди. Бу фармонда шундай дейилган: "Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади. Мустабид тузум даврида миллион-миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди"[1].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлда "Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида" қабул қилинган қарорида кўп жилдлик "Қатағон қурбонлари" хотира китобини яратиш вазифа қилиб қўйилган эди. Бу вазифа 2001-2009 йилларда бажарилди. Андижондаги "Мерос" илмий-амалий халқаро экспедиция хайрия жамғармаси Бобур номидаги Андижон давлат университети ва Республика "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда тайёрлаган 5 жилдлик "Қатағон қурбонлари" хотира китоби нашрдан чиқди [2] ва кенг китобхонларга тортиқ қилинди. Бу китоблар Ўзбекистон ва чет эл илмий жамоатчилиги томонидан ижобий баҳоланди.

Беш жилдлик хотира китобида 1937-1938 йиллардаги "катта террор"да ёки "қулоқлар операцияси"да Ўзбекистонда сиёсий қатағон қилинганлар номлари келтирилган, улар хақида алоҳида қисқача маълумотлар келтирилган.

Қатағон аҳолининг барча қатламларини ўз домига тортган эди. Қатағон фақат коммунистларгагина қарши қаратилмади. Улар билан партиясиз хизматчилар, ишчилар, деҳқонлар, ҳунарманд-косиблар, руҳонийлар, зиёлилар, эркагу аёл, ёшлар, кексалар қамоққа олинган, отувга ҳукм этилган, концлагерларга сургун қилинган. Улар текин ишчи кучи сафини тўлдириб турган.

Жойларда қатағонни амалга оширган жаллодлар даҳшатли услубларни қўллаганлар. Буни биз биргина Андижон округи, Андижон тумани Заврақ қишлоғидан 7 нафар аввалига деҳқон, сўнгра колхозчи, қассоб бўлган юртдошларнинг бундан 73 йил бурун қатағон қилиниб, отиб юборилгани ҳақидаги ҳужжатлар асосида кўрсатиб беришни лозим кўрдик. Балки бу инсонларнинг яқинлари, авлодлари ҳозирда ҳаётдир. Улар ўз аждодлари бошига тушган мудҳиш мусибатни билиш, мушоҳада қилиш орқали яқин ўтмишимизнинг фожеалари ҳақида тасаввурга эга бўлсалар, мустақиллик туфайли ана шу айбсиз қатағон қилинганлар оқланган, уларнинг номлари тарихга битилганидан бохабар бўлсалар ва ўз таассурот, эсдаликлари билан чиқиш қилсалар, ғоят хайрли бўлур эди.

1937 йил 28 август куни ЎзССР ИИХК Андижон сектори 4-бўлими оператив вакили, давлат хавфсизлиги сержанти Иброҳимов Андижон райони Заврақ қишлоқ советида туғилган ва яшаётган Авлиёхўжа Иноятхўжаев устидан тергов ўтказади. Тергов қарорини Андижон сектори бошлиғи давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Стасин тасдиқлайди. Қарорда кўрсатилишича, Авлиёхўжа Иноятхўжаев саводли, партиясиз, ўтмишда йирик бой-руҳоний, 1932 йилда қулоққа тортилган, ҳозирда Каримов номли колхоз аъзоси экани, 1932 йилда қулоққа тортилганидан сўнг қатағон қилинишидан қўрқиб Қошғарга қочиб кетган, у жойдан яширинча 1934 йили қайтиб келган. У Қошғардалигида Аҳмадбек ҳожи, Аҳмад Охунов ва бошқа Андижондан муҳожирликка кетиб қолганлар билан яқин ало-

қада бўлган ва улар билан нолегал йиғинлар ўтказиб турган. Колхозчилар орасида чет давлатлар билан бўладиган урушда Совет Иттифоқининг мағлубиятга учраши тўғрисида аксилинқилобий, ифвогарона миш-мишларни тарқатган. Аҳоли орасида Қошғардаги ҳаётни мақтаб, Қошғарга кетишга ташвиқот қилган. Унинг бу "айблари" ЎзССР Жиноят Кодексининг 66-моддаси 1-қисми билан белгиланиб, жиноий жавобгарликка тортиш ва Андижон турмасида сақлаб туришга қарор қилинади.

Терговчи Наумов 1937 йил 11 сентябрда Аҳмад Тошматовнинг 22 ёшли ўғли Маҳкамбойни сўроқ қилади. Ўғли мана буларни айтган:

Мен отам Аҳмад қассоб Тошматов билан бирга 1930 йилгача яшадим ва гўшт савдоси билан шуғулланганимиз учун 1930 йилда Булоқбоши қишлоғида қулоққа тортилдик.

Бизнинг хўжалигимиз 1 уй, мол ва уй-рўзғор буюмларидан иборат эди, уларнинг барчасини солиқ тўлаш учун сотиб юборганмиз, қанча солиқ тўлаганимизни ҳозир эслай олмайман.

Отам 1930 йили қулоқ қилинган. Отамни қамоққа олишгач, мени ҳам шундай қилишлари мумкинлигидан қўрқиб, Марҳамат районига кўчиб кетдим. Отам 1931 йил бошларида қамоқдан қутилиб чиқди, шунда ҳам мен отам билан учрашмаганман, учрашишдан қочиб юрганман. Аммо мен эшитдимки, отам бир ойча Булоқбошида яшаб, яна қамоққа олинган. Ўш шаҳрига кетиб қолган хотинининг олдига борган. У менинг ўгай онам эди. 1931 йил охирида Марҳаматдан Булоқбошига келдим, бозорда отамни кўриб гаплашдим, шунда у қамоқдан чиққанидан сўнг Ўш шаҳрига бориб 2 ойча хотини билан яшагани, сўнгра ундан ажрашиб, Қошғарга кетиб қолгани, Қошқардан бундан 2-3 кун олдин келганини айтди. Бозордаги ана шу учрашувдан сўнг отам Қўқонга кетган, бир йилга яқин яшаган, сўнгра яна Булоқбошига қайтиб келган.

Терговчи 1937 йил 11 сентябрда ота-болани юзлаштирган.

Шу кунги терговчи билан бўлиб ўтган савол-жавобни айнан келтирамиз:

Савол: Сиз қачон ва қаерда қулоқ қилингансиз?

Жавоб: Мен 1930 йили Хўжаобод райони (Собиқ Жалақудуқ райони) Булоқбоши қишлоқ совети Булоқбоши қишлоғида 1930 йили қулоққа тортилганман.

Савол: Сизнинг хўжалигингиз қулоқ хўжалиги сифатида тугатилганми?

Жавоб: Ҳа, менинг хўжалигим район молия бўлими йўли билан солиқ тўламаганлигим учун қулоқ хўжалиги сифатида тугатилди, мендаги моллар ва уй анжомлари сотиб юборилган.

Савол: Сизга қанча сўм миқдорида солиқ солинган эди?

Жавоб: Менга қулоқ сифатида 4250 сўм солиқ солинган эди.

Савол: Сиз солиқ суммасини тўладингизми?

Жавоб: Дастлабида солиқ суммасини тўлай олмадим ва 1930 йили солиқ тўламаганим учун қамоққа олиндим, ГПУ район аппарати қошидаги Сўфиқишлоқ қамоқхонасида 6 ою 7 кун бўлдим. Шу даврда менга тегишли ҳамма мол-мулк сотилиб, менга солинган солиқ тўласинча тўланди ва суд қарори билан озод бўлдим.

Савол: қамоқдан озод бўлганингиздан сўнг сиз қаерда яшадингиз ва нима билан шуғулландингиз?

Жавоб: Қамоқдан озод қилинганимдан сўнг Қўқонга кетиб, 3 йил ўша жойда, яъни 1933 йилгача НКВДнинг Қўқон сектори даласида ишладим. Шундан сўнг мен Ўратепага бориб мардикорлик қилдим. 1937 йил бошларида Булоқбошига қайтиб келдим, бирон жойда муқим тура олмайман, тез-тез Заврақда бўлиб турдим.

Савол: Сиз нима учун Қўқон шаҳрига қочиб кетдингиз?

Жавоб: Мен тўртта фарзандим билан Булоқбоши қишлоқ советига қарашли колхозлардан бирида бирга ишлардим, мени қулоқ қилиб ва қамоққа олишгандан кейин фарзандларим мени ота сифатида қабул қилишдан бош тортдилар. Мен турмадан озод бўлганимдан сўнг мустақил ҳаёт кечириш учун восита истадим. Шу мақсадда мен Қўқон шаҳрига кетиб қолдим.

Савол: Заврақ қишлоғида Сиз кимникида яшаб турдингиз?

Жавоб: Заврақка келганимда мен Заврақдаги Иванова номидаги колхоз аъзоси, куёвим Бўронбой Ҳамрақуловникида бўлар эдим.

Савол: Сиз қачон Қошғарга боргансиз?

Жавоб: Мен Қошғарга 1919 йилда борганман, бу жойда 1 ою 3 кун турганман.

Савол: Сиз қандай мақсадда Қошғарга боргансиз?

Жавоб: Менинг отам Қошғарда яшарди, унинг вафоти муносабати билан Қошғарга борганман, отамга тегишли буюмларни сотганман.

Савол: Сиз 1933 йили қандай мақсад билан Қошғарга боргансиз?

Жавоб: Мен 1933 йили Қошғарга борган эмасман.

Ушбу савол-жавоб менинг оғзимдан тўғри ёзиб олинди ва менга ўз она тилимда ўқиб берилди.

Махбус анкетасида М.Баратовнинг 1878 йилда Андижон райони Заврақ қишлоқ совети Заврақ қишлоғида туғилгани, миллати ўзбек, яшаш жойи Хартум қишлоғи, касбга эга эмаслиги, 1937 йилга қадар ишлаган жойи, нима билан машғул бўлгани аниқ эмаслиги, 1937 йилда колхозга киргани, паспортга эга эмаслиги, келиб чиқиши ўртаҳол деҳқон оиласиданлиги, инқилобга қадар батрак, инқилобдан сўнг деҳқончилик билан шуғулланган, 1 от, 1 мол, 18 таноб ери борлиги, маълумоти чала саводли, партиясизлиги қайд этилган.

Терговчи Наумов билан М.Баратовнинг савол жавобларида қуйидагилар қайд этилган:

Терговчи: Совет ҳокимияти даврида қандай қатағонларга учрагансиз, судланганмисиз, қамоққа олинганмисиз?

МБ: ОГПУ органлари томонидан икки марта қамоққа олинганман. Биринчи марта 1932 йилда Андижон шаҳрида ҳибсга олиниб, 2 ой қамоқда бўлганман. Иккинчи марта 1933 йилда Андижон шаҳрида қамоққа олинганман ва 10 ой турмада сақланганман.

Терговчи: Оилангиз таркиби ва қандай қулоққа тортилгансиз?

МБ. Хотиним Меҳринисо, 1930 йили қулоққа тортилганман.

Маҳбус Мамашариф Баратов ҳақида 1937 йил 10 сентябрда гувоҳ Ражаб Алиев шундай кўрсатма берган:

“Мен Баратов Мамашарифни кўпдан бери биламан, бир қишлоқда яшаймиз. Баратов Мамашариф инқилобга қадар эски тузум амалдори бўлган, “элликбоши” бўлган, укаси Хўжамберди Баратов билан биргаликда катта қулоқ хўжалигига эга бўлган. Баратов хўжалигида 150 нафар қўй, 38 таноб ер, 5 та от, 4 та мол бўлган, доимий равишда икки батракка эга бўлган, улардан бири Жўра Охунов ҳозирда Сталин колхози аъзоси. Бундан ташқари, Баратов М. 1930 йилга қадар ҳайвон олиб-сотувчи йирик савдогар бўлган. 1930-1931 йилларда Баратов хўжалиги қулоққа тортилган, унинг ўзи ОГПУ органлари томонидан қамоққа олинган. 1919-1921 йиллардаги босмачилик даврида босмачилар тўдаси бошлиғи Юнус қўрбоши билан яқин алоқада бўлган. Юнус қўрбоши ўз йигитлари билан ўша даврда тез-тез Баратовникига келиб меҳмон бўлиб кетарди.

Баратов М. қулоққа тортилганидан сўнг Заврақдан Хартум қишлоғига келиб яшайди ва мен у билан бирон бир алоқада бўлган эмасман. Менга маълум бўлишича, Баратов М. 1937 йили Хартум қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхозга кирган. Унинг аҳоли орасида советларга қарши ташвиқот олиб боргани ва унинг Заврақдан келиб қолиш сабаблари ҳақида мен ҳеч қандай маълумотга эга эмасман”.

1900 йилда туғилган, Сталин номли колхоз аъзоси Охунов Жўрабой ҳам гувоҳ сифатида терговчи томонидан сўроқ қилинади:

Терговчи: Фуқаро Баратов ҳақида нималарни биласиз?

Мен М.Баратовни яхши биламан, чунки у билан бир қишлоқда яшаганмиз. Бундан ташқари 1922 йилдан 1924 йилгача М.Баратовда батрак бўлиб ишлаганман. Баратов Мамашариф ўзининг укалари Хўжамберди Баратов ва Ҳожибой Баратовлар билан биргаликда 40 таноб ери, 300 бош қўй, 3 бош от, 8 бош молга эга бўлган. Кўрсатилган 40 таноб еридан ташқари М.Баратов Заврақ қишлоқ советидаги Қорабоғ қишлоғидан 14 таноб ерни ижарага олган, бу ижарага олинган ерда 1922-1923 йиллари менинг учта укаларим мавсумий батрак бўлиб ишлаган. 1930 йили Баратов хўжалиги қулоққа тортилган, унинг ўзи ОГПУ органлари томонидан қамоққа олинган.

Терговчи: Баратов Мамашариф ҳайвон савдоси билан шуғулланганми?

Баратовнинг ҳайвон савдоси билан шуғулланишига ҳеч қачон қизиқмаганман ва ҳозир бу тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга эмасман.

Гувоҳ Жўрабой Охуновга бошқа яна бир қанча иғвогарона саволлар берилган, аммо у ўша саволларга жавоб бермаган, ўзининг бундан хабари йўқлигини билдирган.

Қўлимизда ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-қисми билан айбланган Тошматов Аҳмад қассоб, Ҳамрақулов Бўронбой, Мамадалиев Ҳожимат, Баратов Мамашариф, Иноятхўжаев Авлиёхўжа, Хўжамбердиев Бўрибой ва Раҳимов Ортиқалиларнинг 2751-сонли тергов иши бўйича Айблов хулосаси. Бу ҳужжат ЎзССР Ички ишлар Халқ комиссарлиги Андижон сектори 4-бўлим тезкор ваколатли вакили, давлат хавфсизлиги сержанти И.И. Наумов томонидан тайёрланган, унга ЎЗССР ИИХК Андижон сектори 4-бўлим бошлиғи Ф.И.Макаревич розилик берган, Андижон сектори бошлиғи И.Е.Стасин тасдиқлаган. Бу ҳужжатни айнан

келтирамиз: “Мен, ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Андижон сектори 4-бўлим оператив вакили давлат хавфсизлиги сержанти Наумов қамоққа олингунга қадар Андижон райони Заврақ қишлоқ советида яшаган бир гуруҳ собиқ қулоқларни айбловчи 2752-сонли тергов ишини кўриб чиқдим.

1. Тошматов Аҳмад қассоб – **1874** йилда туғилган, Хўжаобод райони Булоқбоши қишлоғидан, 1930 йилда давлат солиғини тўламагани учун ГПУ органлари томонидан қулоққа тортилган, саводи йўқ, уйланган, партиясиз, 1931 йилда қамоқдан озод бўлиб, қатағон қилинишдан қўрқиб Қошғарга қочиб кетган. 1934 йилда Қошғардан қайтгач, ўз куёвининг уйида йиғин ўтказган, унда аксилинқилобий нутқ сўзлаган, капиталистик мамлакатлардаги ҳаётни мақтаган, Қошғарда “Мусулмонобод” қарор топган, ҳамма нарса етарли, арзон деган. Кейин эса Тошматов Андижондан муҳожир бўлиб чиқиб кетган Аҳмадбек хожи, Аҳмад Охунбоев, Мулла Муҳитдин ва бошқалар билан учрашганларини, улар катта мусулмонлар армиясини ташкил этганликлари ва бу куч билан тез орада совет ҳокимиятига қарши чиқиб уни ағдаради, шунда Ўзбекистонда “Мусулмонобод” қарор топади деб ҳикоя қилган. Айни вақтда Тошматов Совет Иттифоқи аҳволи тўғрисида аксилинқилобий иғвогарлик миш-мишлар тарқатган. Бундан ташқари Тошматов Иванова номли колхоз аъзолари ўртасида доимий равишда капиталистик мамлакатлардаги ҳаётни мақташ, Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида иғво миш-мишлар тарқатган.

2. Ҳамрақулов Бўранбой - 1990 йилда Андижон райони Заврақ қишлоқ совети Заврақ қишлоғида туғилган, шу жойда яшайди, бой оиласидан, у 1932 йилга қадар чорикорларни эксплуатация қилган, сўнгги вақтларда савдо билан машғул бўлган. 1933 йилда колхозга кирган, ўша йили бузғунчилиги учун колхоздан бўшатилган. 1937 йилда расмиятчилик учун колхозга кирган, амалда колхозда ишламаган, партиясиз, саводсиз, уйланган, миллати ўзбек, СССР фуқароси, ўз хотинининг отаси қулоқ Тошматов Аҳмад қассоб билан яқин алоқада бўлиб, 1934 йилда Қошғардан Тошматовнинг қайтиб келиши муносабати билан ўз уйида йиғин ўтказган, унда Тошматовнинг совет Иттифоқининг аҳволи, совет ҳокимияти мусулмонларга таъзиқ-таъқиб ва зулм ўтказаётгани тўғрисидаги фикрларини тарғиб қилган.

1937 йил сентябр ойининг биринчи кунларида Ҳамрақулов Иванова номли колхоз яқинида бир гуруҳ колхозчилар орасида гўё тез орада колхозлар йўқ бўлади деган аксилинқилобий миш-мишлар тарқатган.

1937 йил август ойининг охирида колхозчилар, жумладан, Болтабоев, Бадаловлар иштирокида Ҳамрақулов колхоздаги ишларга қарши фикр билдирган. Ўша йил сентябрнинг биринчи кунларида Ҳамрақулов колхозчи Инобатхон Ҳакимжоновани колхоздан чиқиб кетишликка ташвиқот қилган, қолмишига яқин вақтларда колхозлар тарқалиб кетади деган.

1937 йил августида колхоз идорасидан унга отини қайтариб беришни талаб қилган ва бунга рад жавоби берилгач, партия аъзоси, фаол Норматов Раимжонни ўлдираман деб қўрқитган.

3. Мамадалиев Ҳожимамат - 1902 йили туғилган, ижтимоий келиб чиқиши савдогар, 1933 йилда пахта теримини барбод қилгани ва Қўнжи қишлоқ совети камбағалларини асоссиз қулоққа тортганлиги учун ВКП(б)дан ўчирилган, 1935 йилда аксилинқилобчи Тошматов раҳбарлигидаги Заврақ қишлоқ совети бўйича қулоқлар гуруҳбозлигида иштирок этгани учун қамоққа олинган. Бунинг натижасида Мамадалиев тўрт ой мобайнида қамоқда сақланган, маълумоти қуйи, уйланган, ўзбек, СССР фуқароси.

1936 йил июль ойида Сталин номли колхознинг 1-бригадаси колхозчилари орасида далада заёмга ёзилишга қарши аксилинқилобий фикр билдирган, оқибатда ўша куни бригадада заёмга ёзилиш барбод бўлган.

1937 йил апрелнинг охиридан Мамадалиевнинг зараркурандалик муносабати туфайли пахта экинларини сув босиб кетади. Ўшандаёқ Мамадалиев пахтага ишлов бериш мумкин эмас, барибир совет ҳокимияти колхозчиларни қамоққа олади деган аксилинқилобий иғво миш-мишлар тарқатган.

4. Баратов Мамашариф - 1878 йили туғилган, бой оиласидан, қулоқ, 1930 йилда қулоққа тортилган, 1932 ва 1933 йилда советларга қарши ташвиқоти учун ГПУ органлари томонидан икки марта қамоққа олинган, саводли, партиясиз, уйланган, ўзбек, СССР фуқароси. Баратов ўтмишда 1930 йили отилиб кетган аксилинқилобчи-миллатчи Муллаёқубжон Исақулов билан яқин алоқада бўлган.

1937 йилда К.Маркс номли колхозга кириб олган ва февраль ойида ишчи ҳайвон сотиб олиб келиш учун колхоз томонидан хизмат сафарига борган, Баратов икки ойга яқин са-

фарда бўлиб, ҳайвон сотиб олиб келмаган, ваҳоланки, бу ишнинг устидан чиқиш имконияти мавжуд эди.

Бу билан колхозда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бажарилишини хавф остига қўйган.

Ишчи ҳайвони сотиб олиши учун хизмат сафарида бўлганида, Баратов ўзи билан бирга бўлган колхозчи Ражабовга доимий равишда руслар шаънига хақоратловчи аксилинқилобий гаплар айтиб, миллатчилик, советларга қарши кайфият уйғотган, Совет Иттифоқидаги очарчилик ҳақида ҳукуматга қарши аксилинқилобий миш-мишлар тарқатган.

5. Иноятхўжаев Авлиёхўжа - 1874 йилда бойлар оиласида туғилган, унинг отаси эшон бўлган, ўзи инқилобга қадар Андижон мадрасасида таҳсил олган, имомлик мақомида бўлган, 1930 йилга қадар ўз хўжалигида ёлланма меҳнатдан фойдаланиб келган. Қатағон ва қулоққа тортилишдан қўрқиб 1930 йили Қашғарга қочиб кетган, партиясиз, судланмаган, оилали, ўзбек.

Иноятхўжаев сўнги икки йил давомида Қошғарда яшаб, андижонлик муҳожирлар – йирик руҳонийлардан Мўйиддин Махсум, Муллажўра ва ўзининг собиқ муддариси Мулла Абдукарим домлалар билан яқин алоқада бўлган. Иноятхўжаев Мулла Абдукарим домлага Совет Иттифоқида ҳукумат зўрлик билан деҳқонларни колхозларга киритмоқда, оқибатда аҳоли Совет ҳокимиятига қарши қўзғолон кўтарган ва Совет ҳокимияти колхозларни тарқатиб юборишга мажбур бўлган каби антисовет жосуслик маълумотларини бериб турган. Унинг ўзи томонидан чегарадан ўтиш пунктларида чегарани ҳимоя қилиб турувчиларни қуроллантириш тўғрисидаги жосуслик маълумотлари берилган. Иноятхўжаев энг сўнги вақтларгача колхозчилар орасида капиталистик мамлакатлардаги ҳаётни мақташ билан шуғулланган, шунинг баробарида Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида аксилинқилобий, иғвогарлик, ғаламислик миш-мишлар тарқатган. Иноятхўжаев ўғлининг тракторчилик курсига юборилиши муносабати билан колхоз идорасида мен ўғлимни бу курсдан рус бўлиб қайтишини ҳохламайман деб, аксилинқилобий, миллатчилик кайфиятини билдирган.

6. Хўжамбердиев Бўрибой - 1897 йили чор амалдори – адвокат оиласида туғилган, 1919 йилда босмачилар тўдасига ёрдам бергани учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган, муддати тугамай қамоқхонадан қочиб кетган, партиясиз, оилали, ўзбек, СССР фуқароси. 1932 йилда биринчи пахта чопиғи даврида ва 1934 йилда “Ленин йўли” колхози 1-бригада даласида, 1937 йил апрелида колхоз чойхонаси олдида Хўжамбердиев колхозчилар орасида Совет Иттифоқидаги очарчилик тўғрисида иғвогарлик, ғаламислик миш-мишлар тарқатган. 1936 йилда пахта терими кампанияси олдидан тез орада совет ҳокимиятининг қулаши тўғрисида иғвогарлик миш-мишлар тарқатган.

1930 йилда колхоз раислиги чоғида зараркунандалик мақсадида экиш учун яроқли бўлган 15 пуд пахта чигитини кўмиб юборган, чигит чириб кетган.

1937 йилда “Ленин йўли” колхози 1-бригадаси бригадири бўла туриб Хўжамбердиев зараркунандалик билан пахтага ишлов берган. Бунинг натижасида 36 гектар ер майдонида 1937 йили 12 центнердан пахта ҳосили олинган, ваҳоланки, 1936 йилда шу ер майдонидан 38 центнердан пахта ҳосили олинган эди.

Хўжамбердиев 1937 йил августида колхозчилар мажлисида пахтага зараркунандалик билан ишлов бергани учун колхоз бригадирлигидан бўшатилиб, иши суд жавобгарлигига тортилган.

7. Раҳимов Ортиқали - 1908 йилда бой оиласида туғилган, ўзи хизматчи, жиноий жавобгарликка тортилган вақтда “Ленин йўли” колхози котиби вазифасида бўлган, партиясиз, саводли, оилали, унинг сўзига қараганда судланмаган, ўзбек.

1935 йили “Ленин йўли” колхози идорасида колхозчилар орасида совет ҳокимияти ҳеч сабабсиз одамларни қамоққа олмоқда деган аксилинқилобий, иғвогарлик миш-мишлар тарқатган. Ўша 1935 йилнинг ўзида колхоз тегирмони олдида колхозчилар орасида тез орада совет ҳокмияти Кўршермат бошчилигидаги босмачилар тўдаси билан бўладиган урушда ҳалокатга учраши тўғрисида иғвогарлик миш-мишлар тарқатган.

1936 йил мартида “Ленин йўли” колхозининг қизил чойхонасида колхозчилар билан суҳбатда Раҳимов Япониянинг афзалликларини қайд этган ва Япония тез орада совет ҳокимиятини ағдаради деб айтган.

Айблов хулосасида Аҳмад қассоб Тошматов, Бўронбой Ҳамрақулов, Ҳожимамат Мамадалиев, Мамашариф Баратов, Авлиёхўжа Иноятхўжаев, Бўрибой Хўжамбердиев ват Ортиқали Ра-

ҳимовларнинг юқорида қайд этилган “жиноятлари” учун Ўзбекистон ССР Жиноят Кодексининг 66-моддаси, 1-қисми билан айбланганликлари кўрсатилган.

ЎзССР ИИХК Андижон сектори 4-бўлим оператив вакили, давлат хавфсизлиги сержанти Наумов ва 4-бўлим бошлиғи давлат хавфсизлиги сержанти Макаревичлар бу айблов хулосани имзолаб, Андижон сектори бошлиғи, давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Стасин тасдиқлаб, Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги қошидаги “Учлик” (Тройка)га юборилди.

Бу айблов хулосасини Ўзбекистон ССР Ички ишлар Халқ Комиссарлиги хузуридаги “Учлик” 1937 йил 1 октябрдаги навбатдаги йиғилишида кўриб чиқади. Йиғилишда “учлик” раиси Н.А.Загвоздин (Республика Ички ишлар Халқ комиссари), аъзолари Усмон Юсупов (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби) Шейндлин (Республика Бош прокурори), “Учлик” котиби Я.М.Яковлев (Республика Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлик бошқармаси 8-бўлим бошлиғи, лейтенант) қатнашганлар. “Учлик” Андижондан юборилган “Айблов хулосаси”ни кўриб чиқиб, 7 нафар заврақликларни отувга ҳукм қилди. Бу маҳбуслар ўзлари Андижон турмасида бўлганлари ҳолда, ўзларининг иштирокисиз Тошкентда олий жазога ҳукм этилдилар. Ҳукмнинг ижроси Андижон турмаси ходимлари томонидан 1937 йил 30 октябр тунида, соат 12 дан 1 га ўтар вақтида махсус ажратилган қатлгоҳ амалга оширилди. Уларнинг жасадлари кундуз куни ўзлари ковлаган хандакка ташланди, тупроқ тортилди. Аммо орадан икки йил ўтиб Аҳмад қассоб Тошматов бошчилигидаги заврақлик 7 нафар отилганлар иши сохта айбловлар асосига қурилгани маълум бўлади.

Яна ҳужжатларга мурожаат этамиз

Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Андижон секторининг собиқ ходимлари И.Е.Стасин, Е.В.Кулинич ва Ф.И.Макаревичларнинг жиноий ишларини Ўрта Осиё Ҳарбий Округи революцион трибунали 1939 йил 22-25 ноябрдаги йиғилишида кўриб чиқади. Улар А.Тошматов ва бошқаларнинг иши бўйича асосий тергов ҳужжатлари ва материалларини сохталаштириб тасдиқлаганликда ва фуқароларни оммавий ҳамда асоссиз қамоққа олганликда айбланадилар. Уларнинг иши бўйича далил-исбот сифатида ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Андижон секторининг собиқ тезкор вакили И.И.Наумов томонидан А.Тошматов ва бошқаларнинг иши бўйича ўтказилган текширув ва тергов материаллари асос қилиб олинган. И.Е.Стасин, И.В.Кулинич ва Ф.И.Макаревичларни революцион трибунал отувга ҳукм қилади. Орадан 22 йил ўтгач, 1961 йил 18 майда бу иш яна кўрилади. ЎзССР Министрлар совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлик комитетининг Андижон вилояти бўйича терговчиси Лисенко ахборотига кўра, ўша революцион трибуналнинг ҳукми тўғри бўлгани қайд этилган.

АДАБИЁТЛАР:

1. “Халқ сўзи”, 2001 йил 2 май.

2. Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 1. (Сост.: Р. Шамсутдинов, Н. Каримов, Э.Юсупов). – Т.: Шарк, 2005; Қатағон қурбонлари. (1937 йил 10 август - 5 ноябрь). Иккинчи китоб. - Т.: Шарқ. 2007., Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 3. Жертвы Большого террора из Узбекистана, 1937 год, ноябрь. (Сост.: Р. Т. Шамсутдинов, Э. Ю. Юсупов, А. Мамажонов, Э. П. Дусматов). – Т.: Шарк, 2007; Репрессия 1937-1938 гг. Документы и материалы. Выпуск 4. Жертвы Большого террора из Узбекистана, 1937 год, декабрь. (Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, М.Абдуллаев, Э.Дусматов, Х.Курбонов). – Т.: Шарк, 2008; Қатағон қурбонлари (1938 йил феврал, сентябрь). Бешинчи китоб. (Туз.: Р.Т Шамсутдинов, Х.Курбонов, Ж.Расулов, Ф.Эгамбердиев, У.Бекимметов). - Т.: Шарк. 2009

Андижон давлат университети,
2010 йил 10 сентябрда қабул қилинган.